

---

## “Солиқчи-тадбиркорга кўмакчи”

Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида 2020 йил 8 июль куни кенгайтирилган тарзда ўтказилган видеоселектор йиғилиши (2020 йил 20 июлдаги 51-сон) баёнининг 27-бандида солиқ идоралари зиммасига “Солиқчи-тадбиркорга кўмакчи” тамойилини жорий этиш вазифаси топширилган эди.

Шу муносабат билан инспекцияда “Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш” шўъбаси ташкил этилиб, шўъбага маъсул этиб малакали мутахассислар бириктирилди.

Шўъба ходимларининг асосий вазифаси янги иш бошлаган тадбиркорларга оёққа туриб олиши учун дастлабки 6 ойда бухгалтерияни юритишда, ҳисоботларини тўлдиришда, солиқ имтиёзларидан фойдаланишда ва бошқа йўналишларда солиқ идоралари кўмагини ташкил этишдан иборат.

2022 йил 28 июль ҳолатига 20 та тадбиркорлик фаолиятини юритиш мақсадида ташкил этилган хўжалик юритувчи субъектлари (хусусий корхона, маъсулияти чекланган жамият, оилавий корхона ва бошқалар) турли сабаблар билан фаолият кўрсатмай келаётганликлари аниқланди.

Шўъба ходимлари томонидан фаолият кўрсатмай турган хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарлари билан бевосита телефон алоқаси орқали боғланиб суҳбатлашилганда, аксарият ҳолларда тадбиркорлик фаолиятини янги бошлаган тадбиркорлар солиқ турини танлашда, дастлабки бухгалтериясида солиқ туридан бўлган қарздорликни бошқа солиқ туридан бўлган ортиқча тўлов ҳисобига қоплаш, солиқ турларидан бўлган ортиқча тўловларни корхонанинг ҳисоб рақамига қайтарилишида кўмак зарурлигини маълум қилганлар.

Шўъба ходимлари томонидан туманда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари билан Фурқат тумани хокимлиги биносида учрашув ўтказдирилди.

Учрашувда корхона раҳбарлари ҳамда ҳисобчилари томонидан уларни қизиқтирилган саволларга жавоблар берилди.

Жумладан учрашувда, “ЖАХОНШОХ КЕЛАЖАГИ 2022” оилавий корхонаси раҳбари томонидан корхона биносининг фойдаланилмай турган қисмини ижарага бериш тартиблари тўғрисида савол берилди.

Ушбу саволга шўъба ходимлари томонидан қуйидагича жавоб берилди:

-Ижарага берувчининг электрон рақамли имзоси орқали Э-Ижара дастурида ижара шартномаси расмийлаштирилиб ижарачига юборилади ҳамда ижарачининг электрон рақамли имзосидан тасдиқлангандан сўнг ижара шартномаси конуний кучга эга бўлади.

Шунингдек 2022 йил 28 июль ҳолатига Фурқат туманида 7 ой давомида 113 та тадбиркорлик фаолиятини юритиш мақсадида ташкил этилган хўжалик юритувчи субъектларига ҳисоботларини топширилишида амалий ёрдам берилиб, раҳбар ва ҳисобчиларига ҳисоботларни топшириш тартиблари, муддатлари ҳамда ҳисобланадиган солиқлар тўғрисида тушунчалар берилди.

### **Хурматли Тадбиркорлар !**

Тадбиркорлик фаолиятингизни юртишда қийинчиликларга дуч келябсизми?

**Фурқат туман Давлат солиқ инспекциясининг**

**“Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш” шўъбасига мурожат қилинг.**

Шўъба бошлиғи Одилов Абдувоҳид Зоҳиджон ўғли.

Мурожаат учун телефон: 97-940-00-94

---

**Солиқ хизмати-инсофли солиқ тўловчининг ишончли хамқори!**

1 / 1